

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ОРТИКОВА ХИЛОЛА УБАЙДИЛЛАЕВНА

**БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОНИ РЕЦИДИВИНИ ТАШХИСЛАШДА
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ортикова Хилола Убайдиллаевна

Бачадон буйни саратони рецидивини
ташхислашда замонавий
ёндашув.....

3

Ортикова Хилола Убайдиллаевна

Современные подходы к диагностике
рецидива рака шейки
матки.....

21

Ortikova Hilola Ubaydillaevna

Modern approaches to the diagnosis
of recurrent cervical cancer

41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....

44

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ОРТИКОВА ХИЛОЛА УБАЙДИЛЛАЕВНА

**БАЧАДОН БЎЙНИ САРАТОНИ РЕЦИДИВИНИ ТАШХИСЛАШДА
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа фанлари доктори(PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib658 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш саҳифасида (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Джураев Миржалол Дехканович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кайдарова Диляра Радиковна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мухамедаминов Шухрат Каримджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz, республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Онкология ва радиология республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлар доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлар доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлар доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарб лигивазарурати. Дунёда бугунги кунда бачадон бўйни саратони аёллар онкологик касалликлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда «...ҳар йили 600 мингдан ортиқ аёллар бачадон бўйни саратони (ББС) билан хасталаниб, касалликдан 300 мингга яқин холларда ўлим қайд этилади...».¹ Бачадон бўйни саратонинг тез авж олиб бориши ва метастаз беришга мойиллиги, радикал жарроҳлик амалиёти билан биргаликда кимётерапия ҳамда нур терапиясини қўллаш заруриятини туғдиради. Айни пайтда бачадон бўйни саратони ташхисланган беморлар периферик қонида онкомаркерларни миқдорини баҳолаш, даволаш ҳажмини танлаш, касаллик кечишини башоратлаш, ўсманинг турли гистологик шаклларида беморларнинг яшовчанлигини аниқлаш тиббиётда ечими топилиши зарур бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда бачадон бўйни саратонини эрта ташхислашни мукамаллаштириш ташхисот усуллариини такомиллаштирилганига қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бачадон бўйни саратонини симптомсиз кайталанишини олдини олиш учун диагностик колпоскопияни қўллаш, ўсманинг хавфлилик даражасини ташхислашда СДЗ ва СД20 маркерларини баҳолаш, ўсмалар верификацияси самарадорлигини ошириш ва самарали даволаш тартибинини амалиётга татбиқ қилиш чора – тадбирлари комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, хавфли ўсма касалликларини камайтиришга қаратилган вазифалар белгиланган. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалар қўйилган. Ушбу вазифалар келиб чиққан ҳолда бачадон бўйни саратонини иммуногистокимёвий таҳлил асосида эрта босқичда ташхислаш ва самарали жарроҳлик амалиётини амалга оширишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликни кайталанишини ва ўлим кўрсаткичинини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомил-

¹Brölmann H, Tanos V, Grimbizis G, Ind T, Philips K, van den Bosch T, et al. Options on fibroid morcellation: a literature review. Gynecol Surg [Internet]. 2015 Feb 7; 12(1): 3–15

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

лаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866–сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фанватехнологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий маълумотларининг таҳлили кўрсатишича, бачадон бўйни саратонининг қайталаниш даражаси кенгайтирилган ташрихдан кейин 6,5% ва нур терапиясидан кейин 26,2% ни ташкил қилади. Дунё бўйича бачадон бўйни саратони (ББС) дан касалланиш ва ўлим даражасининг ўсишга мойиллиги, бу касаллик қайталаниши профилактикасининг самарали усуллари излаш, башоратлаш мезонлари ва хавф омилларини аниқлаш, эрта ташхислаш, даволаш режасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда излаш заруратини аниқлайди. Сўнгги икки ўн йилликда дунёнинг аксарият ривожланган давлатларида ушбу патологиядан касалланиш ва ўлим камайган, эҳтимол бу скрининг дастурини фаол амалга ошириш ҳамда ўз вақтида даволаш билан боғлиқ бўлиши мумкин (Алмухамедова Б.Г., Тилляшайхов М.Н (2018)). Аммо таъкидлаш жоизки, ривожланмаётган давлатларда бу кўрсаткич ўзгармаган ёки ўсишга мойиллиги бор. Аммо ривожланган давлатларда касалланиш ва ўлим ўртасидаги мавжуд тафовут, қишлоқда яшовчи аҳоли, шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қатламига ББС ривожланиш хавфи характерли деб ҳисоблайди.

Ўзбекистонда профессор Н.Э.Атаханова (1998), профессор Н.Ш.Юлдашевалар (2002) аёллар бачадон бўйни саратонини ташхислаш ва даволаш, т.ф.д.Н.Н.Захирова (2019) маҳаллий тарқалган бачадон бўйни саратонини даволашда янги тавсиялар берган (Захирова Н.Н., Тилляшайхов М.Н., Ахмедов О.М., Бойко Е.В., 2018). ББСнинг онкоэпидимиологик жиҳатлари тўғрисидаги Б.Г. Алмухамедованинг тадқиқот натижалари чоп этилди (Захирова Н.Н., Тилляшайхов М.Н., Ахмедов О.М., Бойко Е.В., 2018), бироқ, бачадон бўйни саратонини эрта ташхислашни яхшилашда цитогенетик ва иммуногистокимёвий таҳлил амалга оширилмаган.

Муқаррар даволашнинг етишмаслиги аёлларни касалликдан азият чекиши ҳамда ўлимига олиб келади, бу албатта оила ва давлат учун нохуш ҳолатни келтириб чиқаради. Республикада мавжуд адабиётларда кўрсатилишича, динамикада башоратловчи кўрсаткичларини эрта ҳисоблашни баҳолаш билан ББС қайталаниш хусусиятларини ўрганиш бўйича

илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Шу билан бирга, мазкур ишда 5 йил давомида ўрганилган беморларда ББС нинг қайталанишини ташхислаш ва даволаш бўйича республика онкологик муассасаларининг тиббий ҳужжатлари таҳлили асосида тадқиқот ўтказилди. Бачадон бўйни саратони, ўсмаларининг паст частотада учраши, ҳар хил гистологик шаклларнинг мавжудлиги, касалликни эрта ташхислаш ва скрининг қилинмаганлиги даволашда ягона тактикани қўллаш имкониятини йўқ қилади, бу ўз навбатида кейинчалик ушбу муаммога бағишланган тадқиқотлар олиб бориш заруратини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №5003101 «Турли экологик шароитларда аёллар касалликларининг хавфини эрта ташхислаш, даволаш ва башоратлашни замонавий усуллар ёрдамида баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш» (2018-2022 йй) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бачадон бўйни саратони рецидивини эрта ташхислаш ва такомиллаштиришга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

комплекс даволашдан сўнг бачадон бўйни саратонинг симптомсиз қайталанишини эрта диагностикаси учун ноинвазив усулларни қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

бачадон бўйни саратонинг рецидивини эрта башоратлашда хужайравий иммун жавоб кўрсаткичлари СДЗ ва СД20 маркерларини иммуногистокимёвий усул орқали баҳолаш;

комплекс даволашдан сўнг бачадон бўйни саратонинг симптомсиз қайталанишини эрта ташхисотида кольпоскопия самарадорлигини баҳолаш;

бачадон бўйни саратони билан хасталанган беморларда қайталанишини олдини олиш учун ташхисот алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2012-2018 йилларда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали онкогинекология бўлимида бачадон бўйни саратони ташхиси билан даволанган 87 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бачадон бўйни саратони кузатилган бемор аёлларнинг иммуногистокимёвий онкомаркерлар, гистологик материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларининг ечимини топиш учун клиник, инструментал, функционал, цитогенетик ва иммуногистокимёвий ҳамда статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бачадон бўйни саратонини комплекс даволашдан сўнг асимптом ва клиник олди ўсма қайталанишини эрта ташхислашда, катта визуализация қобилияти мақсадида, морфологик текширувдан олдин кольпоскопия ва МРТ текшируви натижасида амалга ошириш зарурлиги исботланган.

илк бор бачадон бўйни саратони қайталанишини эрта ташхислаш ва кейинчалик даволаш тартибига иммунокомпетент (хужайра иммунитетининг фаоллашиши ҳисобига) СД3 ва СД20 хужайраларнинг башоратловчи омил эканлигини қўллаш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

даврий назорат вақтида патологик соҳа биопсияси билан кольпоскопик ўзгаришлар: оқ эпителий, патологик соҳа трансформацияси, «штопор» шаклидаги томирлар тури, бачадон бўйни хавfli ўсмасини белгисиз қайталанишининг шифхонагача бўлган босқичида кузатиладиган янги белгилар эканлиги исботланган;

бачадон бўйни саратонида G1да 1,19 дан G3 да 6,9 гача бўсаға белгилари сурилишининг цитологик таҳлили билан биргаликдаги кольпоскопияда бачадон бўйни саратонини шифхонагача бўлган ташхислашдаги асоратларни исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари преคลินิก босқичда бачадон бўйни саратонининг қайталанишини эрта ташхислашда аёлларни текшириш ва олиб бориш тактикасини ишлаб чиқиш имконини берган;

бачадон бўйни саратонида СД3 ва СД20 ўз вақтида ташхислаш сифатини яхшилаш, ушбу патологияга чалинган беморларни олиб бориш тактикасини танлаш имконини берган;

бачадон бўйни саратонининг қайталаниш хавфини башоратлашда ИГХ кўрсаткичлари ўзгаришлари аҳамияти очиб берилган;

ишлаб чиқилган индивидуал ёндашув алгоритм бачадон бўйни саратони билан хастланган беморларда нафақат даволаш самарадорлиги ва симптомсиз қайталанишларни олдини олишга, балки беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, цитогенетик ва иммуногистокимёвий,инструментал маълумотлардан олинган рақамли маълумотларга асосланган замонавий статистик усуллардан фойдаланиш, халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар, шунингдек назарий ва амалий тадқиқотларнинг етарлилиги ва амалий бажарилишидан олинган натижалар билан таққослаш ва оқилона баҳолаш орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган маълумотлар бачадон бўйни саратони билан хасталанган беморларни дастлабки текшириш босқичларида ташхисотдаги хатоликлар даражасини камайтириш, бачадон бўйни саратонининг турли шакллари эрта ташхислашни яхшилаш ва касалликнинг турли гистологик вариантлари учун жарроҳлик аралашувнинг оптимал вариантини ишлаб чиқиш, беморлар яшовчанлик кўрсаткичини ошириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тавсия қилинган усуллар мажмуаси цитогенетик ва иммуногистокимёвий текшириш усуллари орқали бачадон бўйни саратонини эрта ташхислаш, жарроҳлик аралашувнинг оптимал ҳажмини баҳолаш, назорат кольпоскопиянинг муддати ва тартибини белгилаш касалликни эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини тўғри танлаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Бачадон бўйни саратони рецидивини эрта ташхислашни мукамаллаштиришда кольпоскопик ва иммуногистокимёвий таҳлил усуллари аҳамиятини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

Бачадон бўйни саратони рецидивини эрта ташхислашни мукамаллаштиришда кольпоскопик ва иммуногистокимёвий таҳлил усуллари ёрдамида олинган илмий натижалар асосида «Бачадон бўйни саратони рецидивини эрта ташхислаш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 октябрдаги 8н-д/377-сон маълумотномаси). Натижада аёлларда бачадон бўйни саратони рецидивини эрта ташхислашда кольпоскопик ва иммуногистокимёвий таҳлил усуллари ёрдамида олинган натижаларни таҳлил қилиш касалликни даволаш тактикасини танлаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

Бачадон бўйни саратони рецидивини эрта ташхислашни мукамаллаштиришда кольпоскопик ва иммуногистокимёвий таҳлил усуллари аҳамиятини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро ва Жиззах вилоятлари филиалларининг клиник амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 июндаги 08-09/195-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши бўйни саратони рецидивини ташхислашда кольпоскопия ёрдамида мақсадли биопсияни утказиш диагностик аҳамиятга эга бўлиб, касаллик қайталанишини башоратлаш омили ҳисобланади, бачадон бўйни саратонида иммуногистокимёвий маркер кўрсаткичи СД3 ва СД20 текшириш, бачадон бўйни саратони рецидивини аниқлаш, даволаш тактикасини танлаш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бачадон бўйни саратонини ташхислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида бачадон бўйни саратонининг келиб чиқишида этиологик омилларни ёритувчи маҳаллий ва хорижий адабиёт манбалари, касалликни ташхислаш ва самарали баҳолаш усуллари таҳлил қилинган. Бачадон бўйни саратонини эрта ташхислашда иммуногистохимевий усулларнинг аҳамияти очиб берилган ҳамда эрта ташхисотнинг долзарб вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг **«Бачадон бўйни саратонини ташхислашнинг усул ва материаллари»** деб номланган иккинчи бобида 2012-2018 йилларда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИО ва РИАТМ)нинг Самарқанд филиалига мурожаат қилган 87 нафар беморнинг текширув ва даволаш натижалари келтирилган. Тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди. Биринчи –назорат гуруҳига уч йил мобайнида қайталанишсиз ҳар хил кетма-кетликда комплекс даволанган, бачадон бўйни саратони (ББС) кузатилган 32 (36,78 %) нафар бемор киритилди. Иккинчи гуруҳни шундай ташхисланган 55 (63,22 %) нафар бемор ташкил қилган бўлиб, уларда комплекс ва комбинацияланган даволанишдан кейин клиник босқичгача касалликнинг эрта қайталаниши аниқланган.

Беморлар ёши 27,2 дан 63 ёшгача бўлиб, уларнинг ўртача ёши $55,2 \pm 2,21$ ёшни ташкил қилди.

Касалхонага ётқизилгунга қадар касаллик давомийлиги қуйидагича кузатилди: 49 (56,3%) нафар беморда 3 ойгача, 15 (17,2%) нафар беморда 3 ойдан 6 ойгача, 12 (11,5%) нафар беморда 6 ойдан 9 ойгача ва 5 (5,7) нафар беморда 10-12 ой бўлган. Бундан кўриниб турибдики, беморларнинг катта қисми 6 ойгача бўлган муддатда касалхонага келган.

Касаллик анамнезини ўрганишдан аниқландики, касалхонага ётқизилгунга қадар фақат 64 (73,5%) нафар беморда тўғри ташхис қўйилган, қолган 23 (26,4%) нафар беморда эса бачадон бўйни ўсмаси ташхиси РИО ва РИАТМ Самарқанд филиали поликлиникасида гинекологик текширувда ташхисланган. РИО ва РИАТМ поликлиникасига мурожаат қилгунга қадар

деярли барча беморлар бачадон бўйни сурункали яллиғланиши бўйича қандайдир даволанган.

Ўсманинг ўсиши таҳлил қилинганда 51(58,6%) нафар беморда энг кўп ҳолатда ўсманинг экзофит шакли, 20 (22,9%) нафар беморда эндофит шакли ва 16(18,4%) нафар беморда ярали шакли аниқланган.

Касаллик башоратида ўсманинг гистологик тури ва унинг дифференциация даражаси муҳим аҳамиятга эга. 28% беморда G1 дифференциация даражаси, 46% беморда – G2, 26% беморда эса – G3 дифференциация даражаси аниқланди.

Ўсма жараёни тарқалганлигини аниқлаш учун диагностик текширувлар: ультратовуш текшируви, кольпоскопия, рентгенологик текширув, компьютер ва магнит-резонанс томография, шунингдек биопсия ҳамда ташрих материалининг морфологик текширувлари ўтказилди.

Ультратовуш текшируви «S22 Exp» фирмасининг (Германия) «SonoScore» аппаратида ва стандарт серошкалали сканирлаш усули бўйича «MEDISON» фирмасининг 3,5; 5; 7,5 МГц частотали «SONOASE 4800» датчикларида ўтказилди. Ўсма инвазиясини аниқлаш мақсадида қовурға билан қорин орасидаги томирларда импульс-тўлқинли доплерография тартибда 3,5 МГц датчик ёрдамида «Sone-100» (HuletMaker, АҚШ) аппаратида ўтказилди. Тубус диаметри (Шарьер бўйича) эндоскопда («KarlStorz» ишлаб чиқариш фирмаси ГББХ, Туллингген, Германия) цистоскопия ўтказилди. Цистоскопия нафақат ўсманинг ўсишини, балки унинг характерини, жойлашиши ҳамда ҳажмини, баъзан эса сийдик пуфаги деворлари инфилтратция даражасини ҳам аниқлашга имкон беради.

Рентгенологик текширув «Siemens» фирмасининг (Германия, 1998) сериоскопида ўтказилди. Кўкрак хужайралари умумқабул қилинган методика бўйича текширилди.

Экскретор урография ҳам шу аппаратда 5, 15 ва 25 дақиқаларда буйракнинг экскретор вазифасини ўрганиш билан умумқабул қилинган методика бўйича олиб борилди.

Компьютер томография компьютер томографиянинг 3- авлоди SOMATOM AR.TX («Simens», Германия) да ўтказилди. Буйракдан ташқари, ошқозонности беzi, жигар, талок, жигардан ташқари ва жигар ичи ўт томирлари, орқа қори пардаси лимфатомирлари ҳам текширилди.

Беморларнинг МР-томографияси «Siemens» фирмасининг (Германия) Magnetom Open / Viva аппаратида 0,2 Т магнит майдони кучланишида ўтказилди. Текширув T1 spin-echo (SE) тартибда коронар, сагитал ва аксиал тасвирларда ярим тасвир кўринишда ўтказилди. Бундай текширувнинг заруратига ушбу соҳадаги анатомик тузилишнинг мураккаблиги, уларнинг ўзаро фазовий жойлашишини баҳолашни талаб қилувчи деталларнинг кўплиги сабаб бўлади. Текширув пайтида бемор нейтрал орқа томон ҳолатида ётади. ҳамма тасвирларда кесмалар қалинлиги (SL) 3-5 мм, кесмалар ўртасидаги масофа (SP) 1-2 мм, кесмалар миқдори 12-16 аниқланди. Текширувга кетган умумий вақт 20-25 дақиқани ташкил қилди.

Қон ва сийдикнинг умумий клиник таҳлили; қоннинг биокимёвий

кўрсаткичлари, коагулограмма жиддий текширилди.

Ректоскопия барча беморларда ташрихдан олдинги тайёргарликнинг бир қисми сифатида жараённинг тарқалганлиги, сийдик пуфагида инвазия борлигини аниқлаш учун ўтказилди.

Барча беморлар мажбурий тартибда электрокардиографик текширилди.

Гистологик текширув. Барча беморларда касаллик қайталанишига кольпоскопик ва цитологик шубҳа билан ташхис қўйилганидан кейин гистологик текширув билан биопсия ўтказилди. Ван Гизон, Конго қизил бўйича гематоксилин ва эозин, пикрофуксинда бўйаш билан серияли парафин кесмалари (15 дан 20 гача ҳар бир кузатув учун) гистологик ўрганилди. Препаратлар 10×, 20×, 40× окулярни катталаштириш билан рангли микроскопда кўрилди.

Умумморфологик кўриниш рангли оптик «Leуca» микроскопда гематоксилин ва эозинда бўйланган препаратларда ўрганилди.

Ташрих материали ООО «PremiumDiagnostics» лабораториясида иммуногистохимёвий (ИГК) текширилди. Препарат рўйхатга олиш гувоҳномасининг 13.03.2020 й. амал қилиш муддати билан қайд қилиш санаси 13.03.2015, гувоҳноманинг рўйхатга олиш рақами Тв/Х 00058/03/15га эга. Ишлаб чиқарувчи: DakoDenmarkA/S, Dania Dakoproduktionsvej 42, DK-2600 GlostrupDenmark. Парафин блоклардан қалинлиги 4мм бўлган серияли кесмалар тайёрланди, силанланган шиша идишларга жойлаштирилди ва хона ҳароратида бир кун давомида қуритилди. Кесмаларни бўйашдан олдин термостатга вертикал ҳолатда жойлаштирилди, 55°C ҳароратда 60 дақиқа ушланди. Шундан кейин орто-ксиллда (2 та контейнердан иборат батареяда ҳар бири 10 дақиқадан) депарафинизация қилинди, паст концентрацияли этил спиртида (3 та контейнердан иборат батареяда ҳар бири 3 дақиқадан) регидротация қилинди ва тозаланган сувда ювиб, чайқалди. Кесмалар солинган шиша идиш иситилган ниқобланган буферга ўтказилди ва 98°C ҳароратдаги сув парида 30-40 дақиқа аралаштирилди.

Кесмалар ретриверда 120°C ҳароратдаги 0,01М цитрат буфер эритмасида 20 дақиқа мобайнида инкубация қилиш орқали антигенлар ниқоби очилди. Эндоген пероксидаза 3% водород перикиси эритмасида 10 дақиқа мобайнида кесмалар қайта ишланганда блоклаб қўйилди. Бирламчи р53 (клон М1В-1, «Dako») антитанани 1:400 эритиш 20 дақиқа давомида хона ҳароратида эритилиб инкубация қилинди. Стрептавидин -биотинли пероксидаз усулида («Dako», LSAB + KitHRP) иммун бўялди, хромоген сифатида 3,3-диаминобензидин («Dako», LiquidDAB+) эритмасидан фойдаланилди. Ядро фонини бўйаш учун гематоксилиндан фойдаланилди. Салбий назорат бирламчи антитаналарсиз амалга оширилди. Ҳар бир ҳолатда х400 катталигида ўсма зичлигига (мустаҳкамлиги) боғлиқликда 6-15 кўриш майдонида 1000 ўсма хужайралари текширилди. Ижобий бўйланган ядролар микдори аниқланди. Детекцион тизим сифатида EnVision (Dako) полимер тизим ҳаракталантирилди.

Онкологияда ҳаёт сифатини баҳолаш, ўсмаларга қарши даволанишга жавобан умумий ва касалликнинг қайталанишисиз яшаб кетишни аниқлаш

билан бир қаторда даволаш самарадорлигининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади.

Биз беморларнинг умумий ҳолатини Карновский шкаласи бўйича баҳоладик.

Тизимли кимётерапия қуйидаги чизма бўйича олиб борилди: 1 кунда цисплатин 75 мг/м^2 , фторурацил 500 мг/м^2 3 ойд ҳар 1-3 кунлари 4 курс давомида ўтказилди. Нур терапияси ташрихдан кейин 3-4 ҳафта ўтгач ташрихдан кейинги даврда ўтказилади.

Нишоннинг (СТV) клиник ҳажми: олиб ташланган ўсманинг ўрни, кин чўлтоғида параметрия соҳаси, минтақавий лимфа тугунлари (қулфланган, ички ва ташқи), шунингдек, орган чегарасидан 7-15 мм ўтиб умумий қорин билан қовурға ўртасидаги лимфа тугунлари аниқланди.

Нурланиш ҳафтада ҳар куни 5 марта РОД 2Гр, СОД 46-50Грей ўтказилди. Ички бўшлиқ брахитерапияси А-28-30Грей нуқтада СОД ҳафтада 1 марта ^{192}Ir РОД 7-7,5 Грейх4 фракция радиактив манба аппаратида олиб борилди. Бириккан ЛТ да СОД курси 80-90грей, Б 60 Грей нуқталарида ўтказилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Бачадон бўйни саратони қайталанишини кўриниш усулларининг қиёсий тавсифи**» деб номланган учинчи бобида бачадон бўйни саратони қайталаниши (ББСК) гумон қилинган 87 нафар бемор маълумотлари ўрганилган.

ББС қайталаниши ташхисланган 55 нафар беморда трансвагинал ультратовуш текширувида касалликнинг тараққий этаётганлик белгилари аниқланди. Локал қайталанишда ўсма қийшиқ ва аниқ бўлмаган контурлар билан нотўғри шаклларда мустаҳкам, гипоэхоген пайдо бўлгандек кўринди. 6 (10,9%) ҳолатда қайталаниш эхонегатив бўлиб, КП ёрдамида морфологик текширилганда тасдиқланди.


Локал қайталаниш 16 (29%) кузатувда ташхисланди. 1,0 смгача бўлган ўсманинг қайталаниши 10 (20%) беморда, 1,0 дан 2,0 смгача бўлгани 12 (21,8%) нафар беморда, 2,0 см дан каттароғи 18 (32,7%) беморда аниқланди. Биринчи гуруҳда ёмон салбий натижа 6 нафар беморда кузатилди (1-жадвалга қаранг).

Трансвагинал УТТ натижалари даражаси ROC-таҳлил йўли билан гистологик текширув натижаларига солиштириб баҳоланди. ROC-эгрилиги бачадон бўйни саратони қайталанмаган тоифалаштирилган беморлар фоизига боғлиқлиги кўрсатилди.


**Гистологик верификация натижалари билан таққослашда
трансвагиналультратовуш ташхисоти (ТВУТТ) натижаларининг
аҳамиятини баҳолаш (n=55)**

қайталаниш ўлчами	Аниқ мусбат	Аниқ манфий	Эхтимол мусбат	Эхтимол манфий
1 смгача	8	4	4	1
1-2 см	9	7	4	4
2 см ва ундан катта	10	5	6	5
аниқланмаган	0	1	2	3


Башоратловчи моделда қайталаниш ўлчами 1 см гача бўлганда ROC-эгри (AUC) чизик остидаги майдон 0,670 (0,460–0,879), 1 дан 2 смгача бўлганда 0,691 (0,475-0,908), қайталаниш ўлчами 2 смдан катта бўлганда 0,694 (0,447-0,941) ни ташкил қилди, бу башоратловчи қобилиятнинг пастлигидан дарак беради. ББСҚ кузатилган беморларнинг ультратовуш текширувида кўрсатишича, ТУЗС сезувчанлиги 2 см гача бўлган қайталанишни аниқлашда 55%, 2 см – 35%, 1 см гача– 10,0% ни ташкил қилган (1, 2, 3-расмлар).



1 –расм. Ультратовуш ташхисотида 1 смгача ўлчамдаги ББС қайталаниши ўзига хослигининг ROC эгри кўрсаткичи



2 –расм. Ультратовуш ташхисотида 1 смдан 2 смгача ўлчамдаги ББС қайталаниши ўзига хослигининг ROC эгри кўрсаткичи



3-расм. Ультратовуш ташхисотида 2 смдан катта ўлчамдаги ББС қайталаниши ўзига хослигининг ROC эгри кўрсаткичи

ББС қайталаниши 17(30,9%) нафар беморда кўпинча қин чўлтоғи куполасида, 3(5,4%) нафар беморда қин чўлтоғи ва тўғри ичак деворида, 4 (7,2%) беморда ўнг девор бўйлаб қиннинг учдан ўрта қисмида жойлашганлиги кольпоскопияда биопсия олиб текширилганда аниқланди. 7 (12,7%) беморда касалликнинг паравезикал хужайрада, сийдик пуфағи девори ва уретрада жойлашгани аниқланган, бу маълумотлар МРТ да тасдиқланди. ББС локорегионар қайталаниши 19 (34,5%) нафар беморда қин чўлтоғида мустахкам ўсманинг мавжудлиги ва қорин қовурға оралиғи лимфа

тугунларини метастатик шикастланиш билан тавсифланди. Тадикотимизда локал ва минтақавий қайталаниш диагностика маълумотлари ультратовуш текширувидан олинган маълумотлар билан текширишнинг бошқа методларидан фойдаланиб олинган маълумотларга мос келди.

Бачадон бўйни саратони қайталанишининг касалхонагача бўлган босқичдаги ташхисотида МРТ самарадорлиги натижалари. Қин чўлтоғида маҳаллий қайталанишнинг типик МРТ кўриниши 14 (24,5%) беморда аниқланди, Т2 тартибида сигналнинг ўртача интенсивлиги билан бачадон бўйни қин чўлтоғида ғадур-будур ҳосила сингари текширилди. Қинда қайталаниш 4 (7,2%) ҳолатда тугунли ҳосила турига эга бўлиб, қиннинг пастки уч қисмига жойлашган, кольпоскопияда цитологик усул билан текширилиб, уларнинг метастатик характерини ифодалашга имкон беради.

2-жадвал


МРТ натижаларининг морфологик текширув натижалари билан солиштиришда баҳолаш натижалари

Якуний ташхис	Аниқ мусбат	Аниқ манфий	Эхтимол мусбат	Эхтимол манфий
1 смгача	2	19	1	0
1-2 см	5	15	1	1
2 см ва ундан кўп	7	11	2	2


Материалнинг гистологик/цитологик текширув маълумотларига кўра, бачадон бўйни қин чўлтоғида 1 см гача бўлган ўсманинг қайталаниши 2 ҳолатда, 1-2 см 7 ҳолатда, 2 см дан каттароғи 13 ҳолатда аниқланди. МРТ натижаларини баҳолашда ҳақиқий салбий 11 ҳолатда, ҳақиқий ижобий 7 ҳолатда, ёлғон салбий ва ёлғон ижобий 4 ҳолатда кузатилди (3-жадвал).

ББСҚ кузатилган беморлар магнит резонанс томография натижаларининг қиёсий баҳолашдан олинган маълумотлари шуни кўрсатдики, 1 см гача бўлган ўсманинг қайталанишини аниқлашда МРТ сезувчанлиги 87,5%, 1-2 смда – 94,1%, 2 смдан ортиқроғида – 94,1% ни ташкил қилди. 1 см гача бўлган ўсманинг қайталанишини аниқлашда МРТ ўзига хослиги 83,3%, 2 смгача - 83,3% ва 2 смдан каттароғи – 80,3%га тенг. МРТ нинг диагностик аниқлиги 2 смдан каттароғида - 95,4, 1-2 см - 90,9% ни ташкил қилди.


Натижаларни баҳолаш ROC-таҳлилдан фойдаланиш билан олиб борилди. Башоратловчи моделда қайталаниш ўлчами 1 см гача бўлганда ROC-эгри (AUC) чизик остидаги майдон 0,651 (0,383–0,919), 1 дан 2 смгача бўлганда 0,667 (0,423-0,910), қайталаниш ўлчами 2 смдан катта бўлганда - 0,700 (0,452-0,948)ни ташкил қилди, бу башорат қобилятининг пастлигидан дарак беради (4,5,6-расмлар).



4-расм. МРТда 1 смгача ўлчамдаги ББ қайталанишида ўзига хос ROC эгри кўрсаткичи



5 –расм. МРТда 1-2 см ўлчамдаги ББ қайталанишида ўзига хос ROC эгри кўрсаткичи



6 –расм. МРТда 2 смдан катта ўлчамдаги ББ қайталанишида ўзига хос ROC эгри кўрсаткичи

Касалхонагача бўлган босқичда бачадон бўйни саратони ташхисотида кольпоскопия самарадорлигининг натижалари. Барча беморларда кольпоскопия, айримларида бир неча марта ўтказилди. Қайталанишга шубҳа қилинганда цитологик ва гистологик текширув ўтказилди. Биринчи гуруҳда фақат 4 ҳолатда қайталанишга шубҳа қилинганда цитологик ва битта гистологик текширув ўтказилди, бунда салбий натижа олинди. Иккинчи гуруҳда 46 нафар беморга CIN 3 ёки қайталаниш ташхиси қўйилди, зудлик билан гистологик текширилди, иккинчи гуруҳда 6 беморда қайталаниш аниқланмади, аммо бунда цитология натижалари бўйича гистологик текширув тавсия қилинди.

ББСҚ кузатилган беморларнинг кольпоскопик текшируви кўрсатишича, 1 см гача бўлган қайталанишни аниқлашда сезувчанлик 95%, 1-2 см – 90,9%, 2 см дан катта – 93,2% ни ташкил қилади. 1 см гача бўлган ББСҚ аниқлашда аниқлик 76%, 1-2 см – 80%, 2 см – 82% ни ташкил қилди. Диагностик ўзига хослик 1 смгача - 60%, 1-2 см – 60%, 2 см – 83,3% га тенг. Шундай қилиб, бачадон бўйни саратонини эрта аниқлаш, шунингдек мақсадли биопсия олиш учун даволанган беморларга кольпоскопия ўтказишни талаб қилиш мумкин.


Касалхонагача бўлган босқичда бачадон бўйни саратони диагностикасида диагностик тестларнинг қиёсий тавсифи. Бейс методида ҳар қайси диагностик тестнинг башоратловчи қиймат ҳисобидаги эквивалент ҳисобланди. Ҳар бир усулнинг касалхонагача бўлган босқичда ББСҚ диагностик самарадорлигини қиёсий томондан ўрганишда ижобий башоратловчи қиймат 89,8%, салбий башоратловчи қиймат 78,5% атрофида ўзгариши сингари шундай мезонларга асосландик.

3-жадвал

Қайталаниш кўрсаткичи ҳажмини аниқлашда тестларнинг аҳамияти

Текширув усули	Ижобий эҳтимол, %	Салбий эҳтимол, %	Ижобий башоратли қиймат, %	Салбий башоратли қиймат, %
УТТ	1,97	0,4	72,4	65
МРТ	11,1	0,14	77,8	95,9
Кольпоскопик биопсия	3	0,09	89,8	78,5

Иккинчи гуруҳдаги 46 нафар беморнинг 36 нафарида текширувда қайталаниш G3, 6 беморда –G2, 10 беморда- G1 гистологик мос келди (7-расмга қаранг).



7-расм. Ёмон сифатли ўсма дифференция идентификациясида кольпоскопия эҳтимоллиги корреляциясининг коэффициентлари

Юқоридагиларнинг барчасини умумлаштириб, МРТ ва кольпоскопиянинг дианостик аҳамияти ББС эрта қайталанишини ташхислашда самарали инструмент эканлигини ҳамда ушбу патологияни даволаш билан шуғулланувчи барча клиникалар арсеналида мавжуд бўлиши керак деган хулосага келдик. Замонавий технологиялар комплексини қўллаш ББС кузатилган беморларда локал қайталаниш ва ташрихдан кейинги ўзгаришлар ўртасида аниқ дифференциал диагностика олиб боришга сабаб бўлади. Шундай қилиб, ББС қайталанишларининг дум соҳасида ташхислашда кольпоскопиядан фойдаланилди, бу методнинг самарали эканлигидан дарак

беради.

Диссертациянинг «Бачадон бўйни саратони қайталаниш фаоллигининг морфологик мезонларини иммуногистокимёвий текшириш усулида аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида T26NxMo босқичдаги бачадон бўйни саратони ташхисланган 57 беморнинг ретроспектив текширув натижаларини бердик, улар 2012-2017 йилларда Республика ихтисослаштирилган илмий –амалий тиббиёт маркази ва Самарқанд қилоят филиалида комплекс даволанган. Беморлар шартли равишда 2 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳни касаллик қайталаниши кузатилган n=31 (54.3%) бемор, 2 –гуруҳни касаллик қайталаниши кузатилмаган n=26 (45,6%) беморлар ташкил қилди. Беморларнинг ўртача ёши $46,4 \pm 5,53$ ни ташкил қилди. Асосий ахборот қуйидаги манбалардан олинган: текширув ва даволаш вақтидаги объектив статус маълумотлари, амбулатория карта таҳлили, касаллик тарихи, ташриҳ журнали, архив маълумотлари, асосий текшириш патоморфологик лаборатория маълумотлари бўлган. Динамик кузатувлар, беморлар билан савол жавоб натижалари, онкологик диспансер ва онкологик кабинетлар маълумотлари.

